

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2018
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.МУХАММЕДОВА

Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш..... 73

ТИЛШУНОСЛИК**К.КАРИМОВ**

Маданиятларо мулокот ва таржима муаммолари..... 76

У.НОСИРОВА

Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари 80

Н.АХМАДЖОНОВ

Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир 83

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА**

Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари 86

ИЛМИЙ АХБОРОТ**А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА**

Коэффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала..... 89

Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА

Векуа-Эрдей-Лоундес типидаги янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида..... 92

Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ

Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин..... 94

А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ

Шайх Акбар (Улуг Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар 97

У.НАЗИРОВ

Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари..... 100

А.КОСИМОВ

ХХ аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари)..... 102

Д.ХУСЕНОВА

Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги 105

А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА

Концептнинг тоифалари..... 108

К.ХОДЖАХАНОВА

Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари..... 110

Б.ҚУРБОНОВА

Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари..... 113

Н.МЕРГАНОВА

Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти..... 115

Э.ДЖАББАРОВА

Модуляр таълим инновацион таълим сифатида 118

И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ

Узлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари 121

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Ибратли ҳаёт йўли..... 124

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография..... 127

ЛЕВ ТОЛСТОЙНИНГ “ИҚРОРНОМА”СИДА ШАРҚОНА ҚАРАШЛАР ҲАМОҲАНГЛИГИ

Д.Хусенова

Аннотация

Ушбу мақолада Лев Толстойнинг “Иқрорнома” асарида Шарқ фалсафаси, хусусан тасаввуф таълимоти билан ҳамоҳанглил таҳлил этилади, айрим ўзбек мумтоз адабиёти намуналари билан қиёсланади.

Аннотация

В данной статье анализируется созвучие восточной философии, в частности суфийского учения в произведении Л.Толстого «Исповедь», даётся сопоставление с некоторыми образцами узбекской классической литературы.

Аннотация

The article studies the harmony of oriental philosophy, especially Sufism in “Confession” by L. N. Tolstoy and presents comparison with some models of Uzbek classic literature.

Таянч сўз ва иборалар: шарқона қарашлар, комил инсон, инсон қадри, диний эътиқод, воқелик, психология таҳлил, фикрлаш, ибодат.

Ключевые слова и выражения: восточные взгляды, всесторонне развитая личность, личностные ценности, религиозное убеждение, реальность, психологический анализ, мышление, молитва.

Keywords and expressions: oriental views, perfect man, value human, religious belief, reality, psychological analysis, thinking, pray.

Улуғ рус адиби Лев Толстой асарларида шахс кечинмалари тасвири ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётга муносабати ўзига хос бўлиб, уларда инсон ҳаёти бепоён муаммолар уммони сифатида таърифланади, тасвирланади. Унинг ана шундай фалсафий қарашларига асосланган “Иқрорнома” асари шахс образи руҳиятидаги турли эврилишлар, норозиликлар, исён ва кечинмаларнинг бадиий-фалсафий умумлашмасидир.

Ҳаммамизга таниш бўлган реалистик манзараларни кўз олдимида гавдалантириш билан бир қаторда муаллиф шахс образининг долзарб муаммоларини, ҳатто кескин зиддиятларини ҳам қаламга олади. Хусусан, асарда шахснинг долзарб муаммоларидан бири сифатида унинг руҳиятига бевосита таъсир курсатувчи замон ва макон, мухит ҳамда воқелик масалалари ҳам кўтарилади. Ёзувчи талқинига кўра, ўз даври билан ҳамоҳанг кун кечиришнинг қийинлиги ундаги даҳшатли иллатлар билан белгиланади. Ана шундай иллатлардан бири сифатида асарда диний эътиқод моҳияти манзараси чизилади. Манзаранинг таъсирчан чиқишига ёзувчи асарга ўзининг бундан анча йил илгари ҳафсаласини пир қилган диний ақидаларнинг омонат пойdevорлар устида турганлигини пайқаганини усталик билан сингдириши, яъни ҳар бир ақидага

мантиқ билан ёндашувчи шахс тимсолини яратиш орқали эришганида кўринади. “Болалигимда менга сингдирилган диний эътиқод бошқаларда қандай бўлса, менда ҳам шундай ғойиб бўлди. Факат фарқ шунда эдики, мен жуда эрта ўқишга ва фикрлашга бошлаганим сабабидан менинг диндан қайтишим илк қадамларданоқ онгли характер касб этди. Мен ўн олти ёшимидан бошлаб ибодат қилмай қўйдим ва ўз ихтиёrim билан черковга қатнамай қўйдим. Мен болалигимдан бошлаб менга сингдирилган ақидаларга ишонмай қўйдим. Аммо нимагадир ишонар эдим, бироқ нимага ишонишимни сўзлар билан очиқ-равшан ифодалаб беролмас эдим. Мен Худога ҳам ишонганман. Тўғрироғи, Худони инкор этган эмасман, аммо қанақа Худога ишонишимни айтиб беролмас эдим. Мен Исони ҳам, унинг таълимотини ҳам инкор этмадим, бироқ бу таълимотнинг моҳияти нимада эканини билмас эдим.” Улуғ рус адибининг бу мушоҳадалари ўзбек мумтоз адабиётининг машҳур намояндларидан бири, асарларида исёнкор рух барқ уриб турадиган, воқеликка танқидий нигоҳ билан қаровчи ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси Машрабнинг “Бир Худодин бошқаси барча ғалат!”, деганnidосини ёдга солади.

Д.Хусенова – ФарДУ рус тили кафедраси ўқитувчisi.

Юқоридаги фикрларда күпчилік диний өзеткөд олдида иккіланувчиларга хос жиҳатлар бўлса-да, Толстойнинг қаҳрамони улардан кескин фарқлувчи фазилатларга, фавқулодда белгиларга эга. Худди шу фазилатлари қаҳрамонни кўпроқ ёзувчи хаёлидаги, идеалидаги қаҳрамон сифатида тасаввур қилишга йўл очади. Муаллиф ўзи мансуб бўлган муҳит ва жамиятда ҳар қадамда учрайдиган одам қиёфасини чизишдан кўра ўз хаёлларида, орзуларида юксак мукаммаллик тўғрисидаги тасаввурларида яратилган ҳақиқий инсон ва шахс сиймосини гавдалантиришга ҳаракат қилган. Бу эса кўп асрлардан бўён Шарқ алломаларини ўйлантириб келаётган комил инсон образини кўз олдимиизда гавдалантиради. Шарқ адабиёти намуналарида кўплаб хаёлий тасаввурлар, романтик тушунчалар асосида яратилган образлар сингари “Иқрорнома” қаҳрамони ҳам аксарият замондошларидан воқеликка муносабатда ҳалоллиги, идеаллари йўлида фидойилиги, қалби қарама-қарши туйғуларга тўлиқлиги ва, энг муҳими, ҳақиқатни англашга бўлган чексиз интилиши билан ажralиб туради. Таассуфки, ёзувчи мавжуд ҳаётда бундай кишиларнинг топилиши қийинлигини яхши тушунади ва уларнинг турмушда тип даражасига кўтарилимаслигини ҳам яхши билади.

Мавжуд воқелик инсон ҳаёти муаммоларини эмас, балки кўпроқ турмуш тақозосига кўра кўндаланг бўладиган икчиликларни ҳал этмоқ учун тинибтингимаётгандек туюлади: “...ҳар хил муҳтоҷликларни кўриб, ўзимни бардошга ва сабр-тоқатга ўргатдим. Буларнинг барини мен мукаммалашув (комилликка эришиш) деб ҳисобладим. Албаттаки, ҳамма нарсанинг ибтидоси маънавий мукаммалашувимда эди, аммо орадан кўп ўтмай, унинг ўрнини умуман мукаммалашув эгаллади, яъни ўз-ўзимнинг наздимда ёхуд Худонинг қаршисида яхшироқ бўлиш истаги эмас, балки бошқа одамлар олдида яхшироқ бўлиш истаги эгаллади.” Адабий мероси, хусусан, лирик шеърлари билан машҳур бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам нафақат умр йўлидан ҳикоя қилувчи “Бобурнома”да, балки ғазалларида ҳам мавжуд воқеликдан кўнгли зада бўлганлигини кўп ўринларда ифодалаган. Жумладан, “Бобур, ўзингни ўргата кўр

ёрсизки, мен Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим” сингари мисрларида “Иқрорнома” муаллифи билан ҳамфирдек таассурот қолдиради.

Шу тариқа муаллиф кундалик ҳаётдан инсон фаолияти муаммоларини, оғатларини кундай равshan кўрсатувчи кўзгу сифатида фойдаланишга уринади. Инсон ҳаёти муаммоларини бадиий талқин этишда муаллиф бадиий тасвирда яхши самаралар берадиган йўлдан, яъни ўз-ўзини тасвирлаш, ҳикоячилик тасвир унсурларига кенроқ эрк бериш тамойили изидан боради. Бу эса машҳур “Бобурнома” муаллифининг “Чун бу тарихда андоқ илтизом қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеини таҳrir этилгай”, деган сўзларини ёдга солади. “Иқрорнома”да унумли қўлланган юқоридаги тасвир унсурлари қаторига рамзлардан ниҳоятда кенг фойдаланиш ва улар зиммасига чексиз теран маъно юклаш, кутилмаган воқеаларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларни қайта-қайта тилга олиш йўли билан айrim масалаларнинг муҳимлигини таъкидлаб бориш, психологик таҳлилда ўта қисқаликка интилиш ва реализмга хос муфассалликдан қочиш каби усуллар киради. Асарда энг кўп қўлланган рамзлар сифатида мукаммалашувга интилиш ва ўлим истаги тимсолларини таъкидлаш ўринлидир. Шунингдек, бу рамзларда инсон ҳаётининг моҳиятига, яъни унинг мазкур икки кутб-мавжудлик баҳти-ю ўлим орасидаги жараён эканлигига ҳам ишора сезилади.

Турмуш моҳиятини шундай тушунишдан келиб чиқиб, муаллиф бутун асарнинг мазмуни инсон ва унинг ҳаётини тушунишга даъват руҳи билан суғорилишига интилади. Айнан бир рамзга қайта-қайта урғу бериш, айrim тафсилотлар ҳикоясини бўлиб-бўлиб давом эттириш йўли билан у асар марказига инсон қадр-қиммати муаммосини қўйишга муваффақ бўлади.

Инсон қадрининг бу қадар пасая бориши ёзувчи фалсафасига кўра, кишиларнинг бир-бирини ўлдиришдек мудҳиш фожиага ҳам олиб бориши мумкин. Ўз фалсафасининг мазкур қиррасини очишида муаллиф асарда қайта-қайта учрайдиган ривоят, бу ривоятда ҳикоя қилинган кудуққа тушиб кетиб, бутоққа осилиб қолган, пастда аждаҳо оғзини очиб

турса-да, бутоқдаги асал томчиларини иштиёқ билан ялаётган одам рамзидан маҳорат билан фойдаланади.

Ёзувчининг идеалидаги мукаммалашган қаҳрамон асар марказида турган бўлса-да, у ҳақиқий жонли одамларга хос хусусиятлардан, фазилатлардан, ўй-кечинмалардан бутунлай маҳрум эмас. Шунга кўра, китобхон деярли барча одамларга тааллуқли бўлган хатти-ҳаракатларни, гап-сўзларни, фикр-туйғуларни ундан ҳам кутишга ҳақли. Теран психологик таҳлил эса ана шундай изтиробли руҳий ҳолатларни гавдалантиришга ва шу орқали идеалидаги қаҳрамон қай даражада етилганлигини муфассал кўрсатишга йўл очади.

“Иқрорнома”нинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ундаги айrim фалсафий ғоялар Шарқ тасаввуф таълимотининг идеалларига мос келади. “Менинг ҳаётимдан қанақа бир чинакам нарса келиб чиқади?” деган сўроққа “Мангу азоб-уқубат ёки мангу роҳат-фароғат” деган жавоб оламан, - дея мuloҳаза юритади асар қаҳрамони. - “Ҳаётимда ўлим маҳв этолмайдиган қандай маъно бор?”; “Ҳақнинг жамолига эришиш, чексиз Худога қўшилиш, жаннат”. Мазкур сатрлар моҳияти ўз-ўзидан тасаввуф таълимотининг ваҳдати вужуд, яъни Ҳақ билан қўшилиш, бирлашиш ҳақидаги

ғояларини эсга солади. Бу эса ҳикоячи-шахснинг қараашлари, фикр ва кечинмалари маълум маънода умумбашарийликка дахлдорлигини ҳам кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, умумий савиасига кўра “Иқрорнома” асари билан ёзувчи Лев Толстой инсоннинг қадр-қимматини кўтаришга чақирувчи маърифатпарварлик билан суғорилган жиддий фалсафий асар яратишга муваффақ бўлди. Бу асар бадиий адабиётда маърифатпарварлик ғоялари ўлмаслигини ва улар янгидан янги талқинлар туфайли турли замонларга хос долзарблик, оҳангдорлик, таъсирчанлик ҳамда ҳаққонийлик қудратини касб этишини тасдиқловчи ҳодиса сифатида майдонга келди. Мазкур асар тажрибаси, шунингдек, ёзувчи муфассал реалистик тасвир тамойилларига кўпроқ амал қилганлиги учун ҳам янада жиддийроқ муваффақиятга эришувига имкон туғдирган. “Иқрорнома”даги фикр-мушоҳадаларнинг шарқона фалсафий-эстетик тушунчалар билан ҳамоҳанглиги, бир томондан, муаллифнинг хурфиксрилиги, кенг дунёқарашидан далолат берса, иккинчи тарафдан, улуғ рус адиби шахсий-хусусий тушунчалардан умуминсоний қадриятлар сари ўсиб борганлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Лев Толстой. Иқрорнома. – Т., 1996
2. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т., 1989.
3. Захириддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Т., 1994.
4. Машраб. Танланган асарлар. – Т., 1971.
5. Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. – Т., 2012.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).